

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САВКИН АЛЕКСАНДР ВЛАДИМИРОВИЧ**

**ТОС СУЯКЛАРИ ЎСМАЛАРИНИ МУЛЬТИМОДАЛ ТАШХИСЛАШ  
ВА ЖАРРОХЛИК УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Савкин Александр Владимирович**

Тос суяклари ўсмаларини мультимодал таъхислаш ва жарроҳлик  
усули билан даволаш..... 3

**Савкин Александр Владимирович**

Мультимодальная диагностика и хирургическое  
лечение опухолей костей таза..... 27

**Savkin Aleksandr Vladimirovich**

Multimodal diagnostics and surgical treatment of tumors of the pelvic  
bones..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САВКИН АЛЕКСАНДР ВЛАДИМИРОВИЧ**

**ТОС СУЯКЛАРИ ЎСМАЛАРИНИ МУЛЬТИМОДАЛ ТАШХИСЛАШ  
ВА ЖАРРОХЛИК УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PHD/Tib936 рақам рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзил-ларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Полатова Джамила Шагайратовна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мусаев Эльмар Расимович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Мухамедаминов Шухрат Каримджанович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>П.А. Герцен номидаги Москва илмий тадқиқот онкология институти (Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик  
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлар доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кенгаш қошидаги бир  
марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлар доктори,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда суяклар ва юмшоқ тўқималар саркомасини бир хилдалиги, кам тарқалганлиги барча онкологик касалликларни 0,2-0,6% билан боғлиқ ҳолда, уларни ташхислаш ва даволаш сезиларли қийинчиликларни туғдиради, кам ўрганилган ва халигача тадқиқотларнинг олиб бориш предмет сифатида сақланиб қолмоқда. Гарчи «...суякларни бирламчи хавфли ўсмаларини сони нисбатан паст бўлсада, улар билан боғлиқ бўлган ўлим ҳолати айниқса болалар ва ёшлар орасида непропорционал ҳолда юқори бўлиб қолмоқда...»<sup>1</sup>. Кимёвий ва нур даволашга бўлган паст ёки сезувчанлик бўлмаслиги билан боғлиқ ҳолда тос суяклар саркомасини даволашни асосий усули бўлиб жарроҳлик йўли билан даволаш ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликда ногиронликдан органни сақлаб қолишга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. Ўрганилган адабиёт манбаларига мос ҳолда, тос суяклари саратони билан хасталанган беморларни даволаш натижалари тасалли бермайди, функционал ва онкологик яқунлар қоникарли эмас, бу эса ушбу соҳадаги илмий изланишлар муаммосини ханузгача еичмини топмаган. Шу сабабли тос суяклари ўсмаларни мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни оптималлаштириш замонавий клиник онкологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади

Жаҳонда тос суяклари ўсмаларни мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни оптималлаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада шикастланган тос суякларидан хавфли ўсма тўқималарини перкутан олиш учун мослама ишлаб чиқиш ва усулларни такомиллаштириш, тос суяги саратони бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан олдинги 3D режалаштириш усулини ишлаб чиқиш, тос суякларини хавфли ўсмали шикастланишида орган сақловчи жарроҳлик амалиётидан кейинги функционал ҳолатини баҳолаш ҳамда тос суяги хавфли ўсмасини даволашни яқин ва узоқ натижаларини таҳлил қилиш ва даволаш самардорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда хавфли ўсма касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтириш қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда тос суяклари ўсмаларни мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш ва башоротлашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Stewart, B.W. and Wild, C.P. World Cancer Report 2014. International Agency for Research on Cancer, Lyon.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адьювант даволашнинг янги схема ва усуллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этилишига қарамасдан замонавий онкологиянинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб, тос суяклари хавфли ўсмаларини даволаш ҳисобланади, бу жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни юқори фоизи ва яшовчанликнинг паст кўрсаткичларда ўз аксини топади. Тос суяклари хавфли ўсмаларини анатомик жиҳатдан чуқурда жойлашиши ҳисобига клиник манифестация жуда кеч, ўсма катта ўлчамларга эга бўлганда намоён бўлади. Бундан ташқари бу соҳа кичик тос органлари шунингдек йирик қон томирлари яқинида жойлашиши билан тавсифланади. Мазкур патология билан кўпроқ ёшлар ва жисмоний фаол ёшдагилар азият чекиши сабабли, тос саратонини жарроҳлик усули билан даволаш, ҳам онкологик жараённи ўзи устидан маҳаллий назоратга эришишни, ҳам тос функциясини сақлаб қолишни қамраб олишни таъминлаши лозим. Тос суякларини резекцияси, айниқса қуймич дўмбоғи ва қовуға ости - думғаза бирикмаси соҳасидаги, тос суякларини мураккаб геометрик уч ўлчамли тузилмаси шунингдек муҳим органлар ва нерв-қон томир тузилмаларининг жуда яқин жойлашганлиги ҳисобига техник мураккаб жарроҳлик аралашуви ҳисобланади. Маҳаллий қайталанишларнинг юқори фоизи тоснинг анатомо-топографик тузилишининг мураккаблиги ва жарроҳлик иши бажариладиган майдоннинг чегараланганлиги билан боғлиқдир ҳамда турли муаллифларнинг маълумотлари бўйича 28-35% ни ташкил этади. Бундан ташқари тос соҳаси юмшоқ тўқималарини ҳисобга олмасдан нотўғри режалаштириш ёки уни бажармаслик жарроҳлик амалиёти ичи остеотомиясини нотўғри бажарилишига олиб келади, бу эса ўз навбатида маҳаллий назоратни пасайиши билан намоён бўлувчи, кечки оқибатларга олиб келиши мумкин. Фақат ҳаёт сифатини яхшилашга бўлган интилиш ва функционалликни сақлаш ҳамда онкологик назорат ўртасини мувозанатлаштириш, тос суякларини индивидуал ва анатомик ўзига хосликларини ҳисобга олиб шахсийлаштирилган, мультимодал

ёндошувгина, ушбу тоифа беморларини даволашда яхши натижаларга эришишга имкон беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда суяк саратонини ташхислаш ва даволаш соҳасида қуйидаги илмий тадқиқот ишлари бажарилди: молекуляр-биологик ва генетик маркерлар, остеоген саркома беморларини ташхислаш ва даволашдаги уларни роли (Д.Ш. Полатова 2016); намсимон суякларни гигант ҳужайрали саратонини кам инвазив даволаш мажмуасини такомиллаштириш (А.А.Тожибоев, 2019), бироқ, тос суяклари ҳавfli ўсмасини ташхислаш ва даволашнинг жарроҳлик аспектилари ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5.3.12. «Турли экологик шароитларда таянч-харакат тизими саратонини ташхислаш, даволаш ва башоратлашни замонавий усуллар ёрдамида баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2014-2018 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади:** ташхислашни жарроҳлик амалиётидан олдинги режалаштиришни яхшилаш, шунингдек даволаш тактикасини танлаб олишга шахсийлаштирилган ёндошув йўли билан тос суяги саратони билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шикастланган тос суякларидан ҳавfli ўсма тўқималарини перкутан олиш учун мослама ишлаб чиқиш ва усулларни такомиллаштириш;

тос суяги саратони бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан олдинги 3D режалаштириш усулини ишлаб чиқиш;

тос суякларини ҳавfli ўсмали шикастланишида орган сақловчи жарроҳлик амалиётидан кейинги функционал ҳолатини баҳолаш;

тос суяги ҳавfli ўсмасини даволашни яқин ва узоқ натижаларини таҳлил қилиш;

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Н.Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий тиббий тадқиқот маркази ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббий марказида 1994 йилдан 2020 йилгача бўлган муддатда даволанишда бўлган, тос суяги саратони билан хасталанган 168 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** клиник-лаборатор, нурли, гистологик, ИГК текширишлар материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тос суякларини ўсмаларини мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашда нурли, морфологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усуллари билан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тос суякларини саркомасини даволашда энг яхши функционал натижалар эмоционал соҳани ҳисобга олмаган ҳолда олиб борилган III ва IV тур резекцияларида олиниб, бунда сон бўғими соҳасидаги аралашувлар энг ёмон кўрсаткичлар билан тавсифланган;

тос суякларини саркомасини даволашда онкологик радикализм мезонларига риоя

этилганида органни сақлаб қолувчи жарроҳлик амалиёти беморларнинг умумий яшовчанлиги ва қайталанишлар сонини ортиши, шунингдек, MSTS шкаласи бўйича яхши функционал натижалардан иборат бўлган ногиронликка олиб келувчи жарроҳлик амалиётини қўллаганда даволаш натижалари устунлиги исботланган;

сон суякларидаги органни сақловчи аралашувларда даволашнинг бевосита, функционал ва узоқ натижаларини яхшиланиши, биомеханиканинг меъёрий ва ўртача бузилишлари, резекциянинг салбий қирраларига эришишнинг протенциал имконияти, қуймич нерви ва сон қон томир томирларининг инфильтрацияси мавжуд бўлмаган беморлари орасида юзага келиши исботланган;

сон суякларидаги ногиронликка олиб келувчи аралашувларни биомеханика кучли бузилган ҳолатларда, тосни муваффақиятсиз чиққан конструкцияси, оғир чуқур инфекцияларда, қуймич нерви ва сон томири инфильтрацияларида органни сақловчи жарроҳлик амалиётини такрорий ўтказишни имкони бўлмаган хавфли ўсмани маҳаллий қайталанишларида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

перкутан йўл билан шикастланган тос суякларидан хавфли ўсма ҳужайраларини олиш учун мослама ва уни олиш усули ишлаб чиқилди, ундан фойдаланиш воситасида эса материални янада сифатли экстракциясига эришилган;

тос суяклари саратонини жарроҳлик усули билан даволашда жарроҳлик амалиёти олди 3D режалаштиришни ўтказиш усули ишлаб чиқилган;

3D режалаштириш усулидан фойдаланиш эса жарроҳлик амалиёти ичи қабул қилинган қарорларни давомийлигини, такрорий резекциялар сонини пасайтириш ва манфий резекция четларига эришишга имкон берган;

радикализм мезонларига риоя қилиш билан оёқларни функционал фаоллигини сақлашга имкон берувчи, органни сақловчи жарроҳлик амалиётларини ўтказишга кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Даволашнинг яқин ва узоқ натижаларини яхшиловчи, тос суяклари саратони билан оғриган беморларни оптималлаштирувчи юритиш, даволаш тактикасини танлаб олиш ва ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, нурли, морфологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усулларида тос суяклари ўсмаларини мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти олинган натижалар тос суяги саратонини жарроҳлик усули билан даволаш ва жарроҳлик амалиётидан олдин 3D режалаштириш, морфологик ташхислаш муаммоларини баҳолаш, ногирон



қилувчига нисбатан солиштириш бўйича органни сақловчи жарроҳлик амалиётидан фойдаланишни афзалликлари, тос суяклари саркомасида даволаш тактикасининг мезонлари ва ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти МСКТ назорати остида перкутан биопсия усулини амалиётга жорий этишдан иборат, бу юқори сезгирлик ва махсусликка эга бўлган гистологик текширишлар ҳаракатларини сезиларли пасайишига имкон беради. Ишлаб чиқилган жарроҳлик амалиётидан олдинги 3D режалаштириш усули, тос суяклари хавфли ўсмасини жарроҳлик усули билан даволашнинг узоқ ва яқин натижаларини яхшилашга имкон беради. Тос суяклар саратонини даволаш ва ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми беморларни даволаш тактикасини тўғри танлаб олиш ва ташхислаш босқичини тезлаштиришга эришишга имкон берганлиги биланг изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тос суяклари ўсмаларини мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тос суяклари ўсмаларини мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашда янги усулни қўллаш натижасида «МСКТ назорати остида тос суяклари перкутан биопсиясининг усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги №8 н-р/489–сон маълумотномаси). Натижада тос суяклари ўсмаларини мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни оптималлаштириш, хавфли ўсмаларнинг метастазланишни олдини олиш орқали беморларни даволашнинг самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

Тос суяклари ўсмаларини мультимодал ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари филиалларнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 июлдаги №8 н-з/217–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши жарроҳлик аралашувнинг ишлаб чиқилган турлари МСКТ назорати остида перкутан биопсияни ўтказиш усули амалиётга жорий қилиниши ва ундан фойдаланиш натижасида беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш тактикасини танлаб олишга ҳамда таклиф этилган ташхислаш алгоритмининг бевосита қўллаш натижасида асоратлар сонини камайтириш, беморларнинг умрини узайиши ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола,

жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тос суяклари хавфли ўсмаларини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш муаммоларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби олти кичик бобдан иборат бўлган адабиётлар таҳлиliga бағишланган, унда тос суяклари хавфли ўсмасини эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва башоратлаш тўғрисидаги хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиётлар таҳлилида тос суяклари хавфли ўсмасини ташхислаш ва даволаш муаммоларини кам ўрганилганлиги, шунингдек жарроҳлик усули билан даволашни такомиллаштириш ва перкутан биопсия ҳамда жарроҳлик амалиёти олди режалаштиришни янги усулларини излаш зарурияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Орган сақловчи жарроҳлик амалиётлари ва жарроҳлик амалиёти олди режалаштиришни янги усулларини илмий излаш долзарблиги тўғрисидаги хулосалар берилган. Бобни таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар яқунлайди.

Диссертациянинг «**Тос суяклари хавфли ўсмаларини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашнинг клиник материали ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларни тавсифи, шунингдек қўлланилган тадқиқот усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларга 1994 йилдан 2020 йилгача Н.Н.Блохин номидаги онкология илмий тиббий тадқиқот маркази ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббий марказ шароитида даволанишда бўлган, тос суяги саратони билан оғриган 168 нафар беморлар киритилди. Тос суяклари хавфли ўсмаларини жарроҳлик усули билан даволаш натижаларини ўрганиш мақсадида 1994 йилдан 2019 йилгача РИО ва РИАТМ ва Н.Н.Блохин номидаги онкология ИТТМ шароитида даволаниш олган 69 нафар беморларни ретроспектив таҳлили ўтказилди. Тос суяклари хавфли ўсмаси бўлган беморларда гистологик материални олиш техникаси ва аппаратини шунингдек жарроҳлик амалиётидан олдинги режалаштириш усулини ишлаб чиқиш ва ушбу жойда жойлашган саратон билан оғриган беморлар орасида уни самарадорлигини аниқлаш учун, тос суяги хавфли ўсмаси бўлган 168 нафар беморларда РИО ва РИАТМ шароитида истиқболли тадқиқотлар бажарилди.

Тадқиқотларга турли ёш тоифасидаги беморлар киритилди, беморларнинг ўртача ёши  $35,7 \pm 3,6$  йилни ташкил этди. Беморларнинг ёши ҳавfli ўсмани гистологик типига боғлиқ холда фарқ қилди. Жинс белгиларига мос холда эркаклар 82 (48,8%), аёллар - 86 (51,2%) бўлди. Эркаклар ва аёллар нисбати 1:1,05 ни ташкил этди. Тос суяклари ҳавfli ўсмаларида энг кўп учраган белгилар бўлиб, оғриқни мавжудлиги ҳисобланди 91 (54,2%) нафар беморларда учради, ундан кейин ҳаракатни чегараланиши 31 (18,5%), тос органларининг дисфункцияси 28 (16,7%) кузатилди. Умумий белгилар орасида умумий ҳолсизлик 65 (38,7%), тез чарчаш 48 (28,5%), иштаҳани йўқолиши 32 (19,1%) учради. Ҳавfli ўсмаларни тосда жойлашишига мос холда саратон қовурға ости суягида 70 (41,7%), қов суягида 30 (17,8%), вертлуж чуқурчаси соҳасида 5 (3%), қуймиқ суяги соҳасида 9 (5,4%) ва думғаза 54 (32,1%) да жойлашади. Анамнезнинг давомийлиги 9 ойдан 20 ойгачани, ўртача  $11,12 \pm 2,3$  ни ташкил этди.

Беморларни босқичлар бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлди: с I-4 (5,8%), II-29 (42,1%), II-31 (44,9%), IV-5 (7,2%). Гистологик типига мос холда аксарият беморларда хондросаркома (81,2%), ундан сўнг остеосаркома (13%) ва Юинг саркомаси (5,8%) кузатилди.

Суяклар саркомасига кўпинча ёшлар ва болалар чалинганлар, кам холларда қариялар ва нуроний ёшдагилар оғриши билан боғлиқ холда, аксарият беморларда йўлдош касалликлар кузатилмади.

Тос суяклари саркомасини тажоввузкор ўзини тутиши билан боғлиқ холда бизлар томонимиздан ҳавfli ўсма жараёнини маҳаллий тарқалиш даражасини ҳам, узоқ метастазларни аниқлаш учун ҳам беморларда мажмуавий текширишларни ўтказдик. Неопластик жараённи босқичлаштириш AJCC таснифи (2018) нинг 8-нашри бўйича ўтказилди.

Бизнинг тадқиқотларимизда гистологияни олиш очик биопсияни қўллаш, шунингдек суяк материални олиш учун бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган мослама ёрдамида МСКТ назорати остида энг кичик инвазив усул воситасида ўтказилди. Перкутан биопсияда олинган материал, шунингдек жарроҳлик амалиётидан кейин олинган материал фиксация, декальцинация қилинади ва суякнинг гистологик материални тайёрлашни стандарт техникаси воситасида кейинчалик қайта ишланди. Ойналарни тайёрлашда тўқима кесмаларини қалинлиги 4 микронга тенг бўлади. Тайёр ойналарни бўяш гематоксилин-эозин билан ўтказилди. Гистологик ташхисни тўғри қўйиш мақсадида шунингдек орган ва тўқима маркерларининг кенг панелини қўллаш билан ИГК текширувларидан фойдаланилди.

Беморларга жараённи тарқалиши ва жойлашишига, организмнинг умумий соматик статусига боғлиқ холда, ногирон қилувчи (гемипельвектомия) ва P1, P2, P3, P4 типлар бўйича органни сақловчи тос суяклари резекцияси жарроҳлик амалиёти, тосни комбинациялашган резекцияси, қовурға билан қорин ораси-қорин пардаси резекцияси ўтказилди. Тос резекцияси Enneking 1978 тизимида мос холда бажарилди, унга кўра тос 4 зонага ажратилди: P1-қовурға ости суяги, P2-вертлуж чуқурча соҳаси, P3-тоснинг олд ярим ҳалқаси, P4-думғаза (1-расмга қаранг).

## Жарроҳлик аралашувларининг тавсифи

Параметрлар	абс	%
<b>Орган сакловчи:</b>		
PI типи бўйича резекция	21	48,8
PII типи бўйича резекция	4	9,3
PIII типи бўйича резекция	5	11,6
PIV типи бўйича резекция	4	9,3
Комбинациялашган резекция	8	18,6
Сакрумэктомия	1	2,3
<b>Майиб қилувчи:</b>		
Қовирға ости-қорин парда ам- путацияси	17	73,9
Гемипельвэктомия	8	30,8
<b>Реконструкция тури</b>		
Маҳаллий тўқималар билан пластика	22	51,2
Артродез	16	37,2
Ўтказилмади	5	11,6

Тос суяклар реконструкциясини ягона стандарти йўқлиги сабабли реконструктив жарроҳлик амалиётининг тури тўғрисидаги масала беморнинг индивидуал ўзига хосликлари, ҳавфли ўсманинг биологик хусусиятлари, шунингдек ҳавфли ўсма жараёнини жойлашган ўрни ва тарқалишидан келиб чиқиб ҳал этилади. Кимёвий даволаш кўп компонентли йўлдош терапия фонидagi замонавий даволаш схемасини қўллаш билан касаллик босқичи ва дифференциацияси даражаси, ҳавфли ўсмани гистологик типига боғлиқ холда халқаро тавсияларга мос холда нео- ва адьювант тартибда ўтказилди. Нур даволаш адьювант режимида ҳавфли ўсма жойлашган соҳада ва маҳаллий қайталанишларни ривожланиш ҳавфини камайтириш мақсадида жарроҳлик амалиётидан кейинги чандиқларда ҳафтада 5 фракциядан СОД=60-64 Гр, РД=2 Гр, радикал схема бўйича, 3D режалаштиришни қўллаш билан чизиқли тезлаштирувчиларда ўтказилди.

Резекциядан кейинги оёқларни функционал ҳолатини баҳолаш, баҳоловчи шкалани қўллаш ёрдамида ўтказилди. (суяк- мушак тизим ҳавфли ўсмаларини ўрганиш бўйича жамияти - MSTS-Musculoskeletal Tumor Society Rating Scale). Мазкур шкалага мос холда оғрик, оёқлар функциясини сакланиши, эмоционал қабул қилиш, ёрдамчи воситалардан фойдаланиш, шунингдек юриш ва қоматни ўзгаришлари каби мезонлар 5 балли шкала бўйича баҳоланди. Динамик назорат дастлабки 2 йилда ҳар 3 ойда, кейинчалик эса 5 йилгача бўлган кузатишларда ҳар 6 ойда ўтказилди. Динамик кузатувларда узок метастазлар ва маҳаллий қайталанишларни ўз вақтида аниқлаш учун ташхислаш арсеналига жарроҳлик амалиёти ўтказилган соҳанинг шунингдек кўкрак қафасининг рентгенографияси, қорин бўшлиғи ва кичик тос органларини УТТси киритилди. Каплан-Мейер усули яшовчанлик функциясини аниқлаш мақсадида қўлланилади, бунда қайталанишсиз ва умумий яшовчанлик

баҳоланади.

Таклиф этилган усулни сезувчанлиги ва махсуслиги, тос суяклари саратонининг перкутан биопсияси тўрт балли жадвални қўллаш билан ҳисобланади.

Ўртача катталиклар ўртасидаги статистик фарқларни баҳолаш мақсадида Стьюдент мезонидан фойдаланилди. Гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқларни аниқлаш учун, тоифали кўрсаткичларни қиёслашда Пирсоннинг  $\chi^2$  мезонини ҳисоблаш билан 2x2 бирикмалар жадвали қўлланилди, кузатишлар сони 5 дан паст бўлган ҳолатларда Фишер эҳтимоллигининг аниқ мезонлари ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқларнинг ишончлилик кўрсаткичлари  $p < 0,001$  да юқори,  $p < 0,01$  да ўрта,  $p < 0,05$  чегара даражасида,  $p > 0,05$  – ишончли эмасдагидек баҳоланди. IBM SPSS 18 дастурий таъминоти маълумотларни статистик қайта ишлаш учун қўлланилди.

Диссертациянинг «Тос суяклари ҳавфли ўсмасида перкутан биопсия олиш усулини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида тос суякларидан гистологик материал олиш учун ишлаб чиқилган қурилма, тос суякларида биопсия ўтказиш техникасини назарий асослаш, шунингдек сезувчанлик, махсуслик ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг баёни келтирилган.


Гистологик материал олиш учун аксарият мавжуд бўлган қурилмалар қўллашни ва тузилишини мураккаблиги, ноқулайлик ва улардан фойдаланишни қийинлиги каби қатор камчиликларга эга. Шунингдек мавжуд бўлган аппаратларни афзаллиги уларни бир марта қўллашга мўлжалланганлиги, қайта фойдаланилмаслиги, шунингдек, уларни стерилизация қилишни имкони йўқлиги ҳисобланади. Замонавий шароитларда ташхислаш текширувларини энг муҳим параметрларидан бири бўлиб, таннарх масаласи ҳисобланади, чунки таннархини қимматлиги улардан фойдаланишда чегараловчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқорида келтирилганлар билан боғлиқ ҳолда бизлар томонимиздан суяк тўқимасидан материал олиш учун енгил ва осон қўлланиладиган, шунингдек уни стерилизация қилиш имконияти билан боғлиқ ҳолда кўп марта фойдаланиш мумкин бўлган мосламани яратиш мақсади қўйилди.


Кўп сондаги мавжуд бўлган мосламаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, бизлар томонимиздан таклиф этилган мосламага қуйидаги ўзгаришлар киритилди: тос суяклари хосилаларидан перкутан биопсия олиш учун мўлжалланган мослама корпусининг трубасимон охири тишлар билан тўлдирилган, у суяк тўқимасига кириб боришга имкон беради, бу эса такрорий киришларнинг кам миқдорида суяк материалини тўлақонли олиш имкониятини яратади.

Шунингдек, аппаратнинг намсимон корпуси охиридаги тишлар сони тўлақонли материал жамланмасини олишга ўз таъсирни кўрсатади. Моделни таҳлили кўрсатдики, корпус охиридаги кесувчи тишларнинг оптимал миқдори тўртга тенг, бу мосламанинг якуний турида ўз аксини топди. Шунингдек моделнинг дастаги ҳам такомиллаштирилди, у мавжуд бўлган намуналарда қуйилган найза кўринишида бўлиб, бу аппаратни оғирлигини оширар эди. Мослама оғирлигини камайтириш ва уни эрганомиклигини ошириш мақсадида,






**2-расм. Мосламанинг мандренсиз ишчи ҳолати**




**3-расм. Мандрен – найза**



**4-расм. Мандрен – парма**

Суяк тўқимасининг зичлиги билан боғлиқ холда хавфли ўсмадан материал олиш учун игнани киритиш траекторияси ва жойи аниқ ажратиб олиниши ва ҳисобланиши лозим, турли визуализация усулисиз буни амалга оширишни имкони мавжуд эмас. Бундан ташқари, игнани киритиш йўли бўйлаб неопластик жараён инсеминациясини юқори ҳавфи билан боғлиқ холда игна суяк ва юмшоқ тўқималарнинг соғлом қисмидан иложи борича камроқ ўтиши керак. Бўшлиқда тўғри ориентация олиш мақсадида оптимал усул бўлиб МСКТ ҳисобланади, у тасвирни 3D реконструкцияси ва хавфли ўсмани аниқ

жойлашган ўрни ва чуқурлигини режалаштиришни ўтказишга, шунингдек мослама игнасини юритиш йўналишини белгилашга имкон беради.



**5-расм. КТнинг схематик тасвири, қовурға ости суяклари қанотлари даражасидаги Пирогов кесмаси. Яшил кўрсаткичлар билан суяк тузилмаларидан биопсия олишда игнани йўналиши кўрсатилган. Шунингдек шикастланиши мумкин бўлмаган муҳим орган ва тузилмаларнинг контурланиши ўтказилган**

Шунингдек, шикастланиш ўчоғи ичида игнани бўлишини назорат қилиш мақсадида – визуализация гистологик материални олиш аниқлигини ва кейинчалик тўғри ташхис қўйишни сезиларли оширади. Биопсия учун игнани киритиш траекториясини режалаштиришда, органлар ва асаб-қон томир тузилмаларини шикастланишини олдини олиш мақсадида даражаларни ҳисобга олиш ва ориентир муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг тадқиқотларимизга тос суяклари саратони билан оғриган 168 нафар беморлар киритилган бўлиб, улар қўлланилган гистологик материал олиш усулига боғлиқ ҳолда 2 гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга таянч-ҳаракат бўлими ходимлари томонидан ишлаб чиқилган, МСКТ-назорати остида тос суяклари ҳавfli ўсмасидан перкутан биопсия олинган олинган 71 нафар беморлар киритилди. Иккинчи гуруҳга стандарт усулга мос ҳолда биопсия олиш ўтказилган 97 нафар беморлар кирди. Гуруҳлар ўртасидаги тақсимланиш бир текисда бўлди.





**6-расм. Жойлашган ўрнига боғлиқ холда гистологик тузилмага мос тақсимланиш**

6-расмдан кўриниб турибдики, хавфли ўсма билан шикастланишнинг асосий қисми хондросаркома, ундан кейинги ўринни суякларни метастатик шикастланиши ва остеоген саркома ташкил этади. Қовурға ости суяги хавфли ўсма жараёни билан энг кўп шикастланган, кейинги ўринда думғаза суяги, қов, қуймич суякларини шикастланиши туради.

Тос суякларини перкутан биопсиясини ўтказишдаги олинган гистологик хулосалар ва жарроҳлик амалиётидан кейин олинган гистологик материаллар таҳлили ўртасида фарқлар кузатилмади, бу таклиф этилган усулни юқори даражада маълумот беришидан гувоҳлик беради. Бизлар таклиф этган усулнинг сезувчанлиги ва махсуслиги 96% ва 95,4%ни, шу билан бир вақтда стандарт усул қўлланилгандаги вазият эса 86,1% ва 77,8% ни мос холда ташкил этди. Шунингдек, олинган материални сифати ва олинган материал миқдорига таълуқли бўлган, мавжуд бўлган трепан аппаратларни таклиф этилган моделлари самарадорлигини қиёсий таҳлили, ҳар икки мезон бўйича уларни устидан афзалликларни кўрсатди. Мазкур қурилма учун материал олишнинг ўртача миқдори  $1 \pm 0,7$  ни ташкил этади, бу билан бир вақтда стандарт трепан биоптатдан фойдаланганда ушбу кўрсаткич 2-5 чегарасида ўзгариб турди ва ўртача  $3 \pm 1,8$  ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этди.

Олинган биоптатнинг сифат мезонлари бўйича олинган материални бизлар етарли бўлган ва бўлмаган гуруҳларга ажратдик, улар тўлақонли гистологик баҳолаш ўтказишга имкон бермади.

Бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган аппарат қўлланилганда, 97% ҳолатда етарли ҳажмдаги материал олинди, бу вақтда эса трепан аппаратларидан фойдаланилганда бу кўрсаткич фақат 86% ни ташкил этди. Перкутан биопсиядан кейинги асоратлардан қуйидагилар кузатилди: стандарт трепан биопсия қўлланилгандан сўнг беморларда кўпроқ гематома кузатилди, бу эҳтимол бизлар томонимиздан таклиф этилган мосламадан фойдаланган беморлар гуруҳи билан солиштириш бўйича материал олишни кўп марта такрорланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бизлар томондан таклиф этилган усул янада юқори аниқликда, шунингдек,

Энг паст таннархда ҳамда энг кам вақт сарфлаб, суяклардан сифатли гистологик материал олишга имкон беради. Бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган аппаратни стереллашдан сўнг, олинган материални сифатини пасайтирмаслик каби афзалликлари сабабли уни кўп марта ишлатиш мумкин (8 мартагача), таннархни пасайиши стерилизация муолажалари сонига карралидир. Стандарт трепан аппаратининг таннархи ўртача 630000 сўмни ташкил этади, бу вақтда эса бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган аппаратнинг нархи 515000 сўмни ташкил этади. Бунда ушбу аппаратдан фойдаланиш самарасини пул бирликларидаги ўлчови қуйидагича кўринишни олади. Стандарт аппаратда перкутан биопсияни ўтказиш муолажаси 650 минг сўмга айланишини ҳисобга олсак, бу вақтда, бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган аппарат ёрдамида ўтказилган муолажанинг таннархи кўп марта фойдаланишни ҳам ҳисобга олсак (8 мартагача), бор йўғи 66875 сўмга айланади.

Ишлаб чиқилган усул бўйича перкутан биопсиянинг СКФ - 66875 сўмни ташкил этди, яъни усулни 9,7 марта арзонлашганлиги қайд этилди. Самарадорлик марталиги ўтказилган стерилизация миқдorigа боғлиқ бўлди.

Шундай қилиб, бизлар томонимиздан таклиф этилган перкутан биопсия усули аппаратни кўп марта қўллаш имконияти билан боғлиқ холда, молиявий харажатларни сезиларли қисқартиришга имкон беради, бунда ўтказиладиган тадқиқотларнинг натижаси ва сифати пасаймайди, бу эса мазкур усулни морфология, патология, онкология ва травматологияни кундалик амалий фаолиятида қўллашга имкон беради. Бу скелет суяклари саратони билан оғриган барча беморларни тўлиқ қамраб олиш учун янги имкониятларни очиб беради.

Диссертациянинг «**Тос суяклари ҳавфли ўсмасида майиб қилувчи ва орган сақловчи жарроҳлик амалиётларида жарроҳлик амалиёти олди 3D режалаштириш усуллари ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида тос суяклари ҳавфли ўсмасида жарроҳлик амалиёти олди 3D режалаштириш усулини самарадорлиги, уни бевосита даволаш натижаларига таъсири таҳлил қилинган.

Ҳозирги вақтда тос суяклари даволашда майиб қилувчидан органни сақловчи жарроҳлик амалиётларига ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. Бунда шу нарсани таъкидлаш зарурки, жарроҳлик аралашувининг бу каби тури қайталанишларни ривожланиш ҳавфи билан бирга кузатилади, шу билан боғлиқ холда фақат жарроҳлик амалиётини жарроҳлик амалиёти ўтказишдан олдин, келгусидаги резекция четларини аниқ белгилаш билан пухта режалаштириш қайталанишсиз ва умумий яшовчанликнинг яхши кўрсаткичларига эришишга имкон беради.


Бизлар томонимиздан 3D реконструкциялаш ва МСКТ (Revolution EVO, GE Healthcare 128 scan) ларда олинадиган ясси тахтани қўллаш билан жарроҳлик амалиёти олди режалаштириш усули қўлланилди. Жарроҳлик амалиёти олди режалаштиришни асосий вазифаси бўлиб, ҳавфли ўсмани тарқалиш даражасини ва жараёнга атрофни ўраб турган орган ва тўқималарни жалб этилишини аниқлаш, шунингдек резекция четларини прецизион аниқлаш бўлиб хизмат қилади. Бизлар томонимиздан таклиф этилган режалаштиришни фарқ қилувчи ўзига хослиги бўлиб шу нарса ҳисобландики, МСКТ ўтказишда

жарроҳлик амалиёти ичи вазиятини тиклаш мақсадида текшириш вақтидаги беморни ҳолати режалаштирилаётган жарроҳлик амалиёти вақтидаги ҳолатига тўлиқ мос келади, бу эса тос суяклари ва органларини топографик жойлашувини ўзгариши ва анатомик тузилмаларини сурилиши билан боғлиқ ҳолда ҳақиқатан жуда муҳимдир. Ушбу босқичдаги аҳамиятли ҳолат бўлиб, турли гардишлар, ёстикчалар, бош тагига қўйиладиган мосламалар ва мустаҳкамловчи воситаларни қўллаш хизмат қилади, улар шу воситалар ёрдамида беморнинг жарроҳлик амалиёти ичи ҳолатини яратадилар. Нур даволашни режалаштириш учун МСКТ аппаратидан фойдаланишнинг афзаллиги бўлиб, столнинг текис юзаси хизмат қилади, бу эса жарроҳлик амалиёти столи юзасига мос келади, бу вақтда МСКТнинг стандарт аппарати ботиқ юзага эгадир.

Бундан ташқари, бемор терисида муҳим суяк ва анатомик ориентирларни кўрсатиш билан нуқтали метал белгичалар ва метал симлар билан перманент маркерлар ёрдамида белгилар қўйилди, бу эса ўз навбатида жарроҳлик амалиёти вақтида ҳам, 3D режалаштириш вақтида ҳам мўлжал олишни сезиларли енгиллаштирди.

Монako режалаштириш тизимини қўллаш вақтида тос суяги остеотомия чегарасини, шунингдек муҳим анатомик нуқталаргача бўлган масофани ўлчаш, шунингдек жарроҳлик амалиёти вақтида остеотомияни йўналиш йўллари ва бурчакларини белгилаш ўтказилди.

Жарроҳлик амалиётидан олдинги 3D режалаштириш самарадорлигининг мезони бўлиб, жарроҳлик амалиётидан кейинги резекция четларини статуси, шунингдек, жарроҳлик амалиёти ичи асоратларини фоизи ҳисобланади. Бундан ташқари, резекция ўтказилгандан кейинги МСКТ ва 3D реконструкцияда олинган жарроҳлик амалиёти олди давридаги резекция ҳажми билан МСКТни ўзаро қиёслаш ўтказилди. Жарроҳлик амалиёти олди режалаштиришни биринчи босқичи бўлиб, МСКТни қўллаш билан тосни уч ўлчамли моделини тузиш ҳисобланади. Жарроҳлик амалиёти олди режалаштиришни кейинги босқичларини ўтказиш учун нурли терапия учун режалаштирилган тизимдан фойдаланилади. Жарроҳлик амалиёти олди 3D режалаштиришни бажариш вақтида КТ кесимида резекция ҳажми, шунингдек орган, тўқима ва асаб – қон томир тузилмаларини белгилаб олиш имконияти мавжуд. МСКТ ўтказиш яқунлангандан сўнг олинган тасвирлар маҳаллий тармоқ орқали режалаштирилган тизимга узатилди. Резекциянинг контурлаштирилган ҳажми нур терапевти ва умумий онколог жарроҳ билан ҳамкорликда амалга оширилди. Резекция ҳажми режалаштирилганда ҳавфли ўсмани асбоблар билан кўринадиган ҳажмини ташкил этувчи, ҳавфли ўсмани макроскопик ҳажмини ҳам, ҳавфли ўсмани кўринадиган қиррасидан 2 см ни ташкил этувчи ҳавфли ўсмани микроскопик тарқалиши мумкин бўлган чегараси ҳам ҳисобга олинди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги материал дастурий таъминот воситасидаги жарроҳлик амалиётигача режалаштирилган резекция ҳажми билан солиштирилди.



**7-расм. Жарроҳлик амалиётидан кейинги ҳолатни 3 D реконструкция босқичи (олд томон кўриниши)**

Жарроҳлик амалиёти олди режалаштирилиши самарадорлигини ўрганиш мақсадида бизлар томонимиздан жарроҳлик аралашувлари вақти, жарроҳлик амалиёти ичи такрорий резекциялар миқдори, шунингдек резекция четларининг статуси ўрганилди.

**2-жадвал**

**Жарроҳлик амалиёти олди 3D режалаштиришни қўллаш ва қўлламаслик билан тос суяклари хавфли ўсмасида жарроҳлик аралашуви давомийлигини қиёсий таҳлили**

Тос суяклари резекциясини давомийлиги	Ўртача давомийлик (дақиқа)
3D режалаштириш усулини қўллаш билан	60,95±7,3
3D режалаштириш усулини қўлламаслик билан	81,9±10,54

Изоҳ: t=3,705, p<0,05

**Жарроҳлик амалиёти олди 3D режалаштиришни қўллашга боғлиқ холда жарроҳлик амалиёти ичи такрорий резекцияларини фоизи ва резекция четларини статуси**

Параметр	3D режалаштиришни қўллаш билан		3D режалаштиришни қўлламасдан		$\chi^2$	р
<b>Резекция четларини статуси</b>						
Мусбат резекция чети	0	0	8	30,8	7,134*	0,008
